XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 4 - fevral VI-32-48-3-0-K/22 Jizzax viloyati hokimligi

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 8 январдаги VI-30-9-3-0-K/22-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги №06/04-02-02-32/203 сонли хатига мувофиқ Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 8 январдаги VI-30-9-3-0-K/22-сонли қарори билан белгиланган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича 1 кв. метр учун белгиланган минимал миқдорларга нисбатан киритилган камаювчи коэффициентларни қайта кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 8 январдаги VI-30-9-3-0-K/22-сонли қарорининг 1-иловасига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Вилоят ҳокимининг матбуот котиби А.Бинокуловга мазкур қарорни “Жиззах ҳақиқати” ва “Джизакская правда” газеталарида расман эълон қилиш ҳамда вилоят ҳокимлигининг jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштириш юклатилсин.

3. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси, вилоят Кенгашининг тегишли доимий

комиссиялари ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг
2022 йил 4 февралдаги
VI-32-48-3-0-K/22-сон қарорига
1-илова

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича 1 кв. метр учун белгиланган минимал миқдорларга нисбатан киритилаётган камаювчи коэффициентлар

Т/Р	Ҳудудлар	2022 йил		
		2022 йилда 1 кв. метр учун Солиқ кодексининг 412-моддасига асосан киритилган базавий ставка (сўмда)	Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент (фоизда)	Халқ депутатлари вилояти Кенгашининг қарорига асосан қўлланилган коэффициент бўйича 1 кв. метр учун белгиланган мутлоқ қиймат (сўмда)
1	Арнасой тумани	1 000 000	0,50	500 000
2	Бахмал тумани	1 000 000	0,60	600 000
3	Ғаллаорол тумани	1 000 000	1,00	1 000 000
4	Шароф Рашидов тумани	1 000 000	1,00	1 000 000
5	Дўстлик тумани	1 000 000	0,80	800 000
6	Зарбдор тумани	1 000 000	0,70	700 000
7	Зомин тумани	1 000 000	0,80	800 000
8	Зафаробод тумани	1 000 000	0,80	800 000
9	Мирзачўул тумани	1 000 000	0,70	700 000

10	Пахтакор тумани	1 000 000	0,80	800 000
11	Фориш тумани	1 000 000	0,50	500 000
12	Жиззах шаҳри	1 500 000	1,00	1 500 000
13	Янгиобод тумани	1 000 000	0,50	500 000